

Мусулмон одам ҳатто чумолига ҳам озор бермайди



11:00 / 10.11.2020 10075

Одатда бировга зарари тегмайдиган одамларга нисбатан «Чумолига ҳам озор бермайди» иборасини қўллаймиз. Нима учун шундай? Бир ўйлаб кўрганмизми? Бошқа митти ҳашоратлар ичида айни чумоли номининг зикр қилиниши қизиқ. Мақолада бу саволга жавоб ва бошқа қизиқарли маълумотлар тақдим этилади.

Ҳозирги вақтда дин ниқоби остида турли бузғунчиликлар қилаётган ёки исломофобия (Ислом билан кўрқитиш)га ҳаракат қилиб, динни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлганларнинг борлиги ҳаммага аён. Бундай шахсларнинг даъволари ёлғондан ўзга нарса эмас. Дин номидан айтилаётган жимжимадор гаплару баландпарвоз шиорларнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Чунки Ислом дини инсонларни фақат эзгуликка, яна такрор айтамиз, фақат

эзгуликка чақиради. Мусулмон киши эса мана шу эзгуликка хизмат қилади. Бировга ёмонлик қилмайди, зарар келтирмайди. Инсон тугул, ҳатто чумолига бесабаб озор бермайди. Энди ўзимиз бир хулоса қилайлик, энг митти ҳашоратнинг ҳам риоясини қилган мусулмон мавжудотлар гултожи – ҳазрати инсонга озор берадими?!

Қуйида сўзимиз исботи сифатида баъзи далилларни келтириб ўтамыз.

مُكَلِّمَاتٍ مِّمَّا يُكَلِّمُ الْوَالِدِينَ وَالْأَوْلَادَ لَا تَدْرِكُونَ لَهَا الْقَوْلَ عَلَيْهِمْ وَهِيَ كَالْحَمِيمِ

«Ер юзидаги юрувчи ҳар бир жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир» (Анъом сураси, 38-оят).

الْمُكَلِّمَاتُ أُولُو الْأَرْحَامِ وَالْمَلَائِكَةُ لَا تَحْمِلُنَّ أَثْقَالًا وَلَا يُلْمُنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا بِأَعْيُنِنَا سَبًّا وَلَا نَجسًا لِمَن ظَلَمَ وَلَا يَحْتَسِبُ بِمَا كَفَرَ إِنَّمَا أَنتَ الْمُرْسَلُ بِالْبَيِّنَاتِ وَالْحَقُّ فِي آيَاتِنَا لَعَلَّ الْوَالِدِينَ يَحْتَفِلُونَ (18)

«Токи улар чумолилар водийсига келганларида бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди. Бас, у унинг сўзидан табассум қилди» (Намл сураси, 18-19-оятлар).

هُنَّ كَالْمَلَائِكَةِ لَا يُلْمُنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا بِأَعْيُنِنَا سَبًّا وَلَا نَجسًا لِمَن ظَلَمَ وَلَا يَحْتَسِبُ بِمَا كَفَرَ إِنَّمَا أَنتَ الْمُرْسَلُ بِالْبَيِّنَاتِ وَالْحَقُّ فِي آيَاتِنَا لَعَلَّ الْوَالِدِينَ يَحْتَفِلُونَ

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, ҳаттоки инидаги чумоли ва денгиздаги балиқ ҳам инсонларга яхшилик ўргатувчига саловот айтади», дедилар.

Табароний ривоят қилган.

Муҳаддис уламолар ҳадис шарҳида чумоли номи бежизга келмаганини таъкидлайдилар. Бунинг сабаби сифатида чумолининг меҳнаткашлигини мисол қилиб келтирадилар.

مُكَلِّمَاتٍ مِّمَّا يُكَلِّمُ الْوَالِدِينَ وَالْأَوْلَادَ لَا تَدْرِكُونَ لَهَا الْقَوْلَ عَلَيْهِمْ وَهِيَ كَالْحَمِيمِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир чумоли пайғамбарлардан бирини тишлаб олди. Шунда чумолилар қишлоғини ёндиришга буюрди. Аллоҳ таоло унга ваҳий қилди: «Сени бир чумоли тишласа, тасбеҳ айтадиган умматни ҳалок қиласанми?» дедилар.

Имом Муслим ривоят қилганлар.

Абдурроуф Муновий раҳматуллоҳи алайҳ бу ҳадис шарҳида «...пайғамбарлардан бирини...» сўзидаги пайғамбар Узайр, Мусо ёки Довуд алайҳиссаломлардан бири бўлиши мумкин, деганлар.

عَائِبُنَ آلِ النَّبِيِّ بْنِ لَازِنٍ «لَا أَقْرَبُ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَصْبِ لِلَّهِ نَأَى زَيْرُهُ يَبْأَعِ
تَقْرُحُ أَفْ أَوْبَ رَمَأْمُ ثَاوْتَحَتْ نَمَجَّحُ أَفْ هِرَاهَجَ رَمَأْفُةً لَمَنْ هُوَ تَعَدَلَفِ رَجَشَ تَحَتْ
مَلْسُ مْ هَاوْرَ. «دَحَاوَّةً لَمَنْ هُوَ لَلِ الْيَحْوَأْفُ»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Пайғамбарлардан бири дарахт тагига борди. Уни бир чумоли тишлаб олди. Шунда дарахт тагидан матоларини олиб, чумоли (ини)ни ёндиришга буюрди. Аллоҳ таоло ваҳий қилди: «Бир чумоли деб-а?» дедилар.

Имом Муслим ривоят қилганлар.

نَمَجَّحُ رَأَلْتَقِ نَعِ يَونَ مَلَسُو هِيَ لَعْلَلِ الْيَصْبِ لِلَّهِ نَأَى زَيْرُهُ يَبْأَعِ نَبْأَعِ
دَوَادُ وَبْأَ هَاوْرَ دَرَّصَلْأَوُ دُهُؤُؤَلْأَوُ دُهُؤُؤَلْأَوُ دُهُؤُؤَلْأَوُ دُهُؤُؤَلْأَوُ دُهُؤُؤَلْأَوُ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўртта жонзотни ўлдиришдан қайтардилар: чумоли, асалари, сассиқпопишак ва суррод».

Имом Абу Довуд ривоят қилганлар.

Суррод – чумчуқдан катта, ярми оқ ва ярми қора қуш.

تَشَمَّوْلَفِ الْعَالِصِ لَلِ رَمُعِ نَبْأَعِ يَشْمَأْتُنْكَ لَأَقِ، دَيْلُخِ نَبْأَعِ دَيْزِ نَبْأَعِ دَمْحُمُ نَعِ
هَفَّ نَصْمُ يَفِةً بَيْشِ يَبْأَعِ نَبْأَعِ هَاوْرَ. أَعْقَبُ سَيَّالِ نَأَى تَيْأَرْلُةً لَمَنْ هُوَ عَمَّ

Муҳаммад ибн Зайд ибн Хулайдадан ривоят қилинади.

У зот: «Мен Ибн Умар билан бирга намозга борар эдим. Агарда у билан бирорта чумоли юрса, ундан олдин ўтмаслигини кўрардим», дедилар.

Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»да ривоят қилган.

عَلَعِ رَمَفِ يَفُوسَتَسَيَسِ سَانِلَابِ جَرَخِ دُوَادَنْبِ نَامِيْلُسِنَا ، يَجَانِلَالِ قِيِيْصِلَالِ يَبْأَنْعِ
قَوْلِخِ اِنْمُهَلَلِ لُوقَتِ يَهْوِءَامْسِلَالِ لِيْ اَهْمِئِاَوْقِ عَفَارِ اَهْاَفَقِ عِلَعِ عِيْقُلَتِ سُمِةَلْمَنْ
لِاَقَوْفِ ، اِنكَلَهْتَنْ اْمِاُو اِنْقِسَتَنْ اْمِاِفِ ، كَقَزَرْ نَعِ عِنَغِ اِنلَسِيْلِ كَقَوْلِخِ نَمِ
يَفِ عَبِيْشِ يَبْأَنْبِ اَهْاَوْرِ : مُكْرِيْغِ عَوَعِدْبِ مُتِيْقُسِ دَقَوْفِ ، اُوْعُرَا : سَانِلَالِ نَامِيْلُسِ
وَفَنْصُمِ

Абуссиддиқ ан-Ножийдан ривоят қилинади.

«Довуд ўғли Сулаймон инсонлар билан ёмғир сўрагани чиқди. Шунда оёқларини осмонга кўтариб, чалқанчасига ётган бир чумоли олдидан ўтди. У: «Аллоҳумма инна холқун мин холқика лайса лана ғинан ан ризқика фаимма ан тасқияна ва имма ан туҳликана», дерди. Сулаймон алайҳиссалом одамларга: «Орқангизга қайтинглар. Батаҳқиқ, бошқаларнинг дуоси ила сизларга сув берилди», дедилар».

Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»да ривоят қилган.

Дуонинг таржимаси: «Эй Аллоҳ! Биз Сенинг бир халқингмиз. Ризқингдан беҳожат эмасмиз. Ё бизга сув берасан, ё ҳалок қиласан».

Чумолига озор бермаслик борасида ўтган азизларимизнинг ҳам бир қанча ўғитлари бор. Жумладан, Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ аброр – яхши кишиларга таъриф бериб: «Улар чумолига озор бермайдиган, ёмонликка рози бўлмайдиган зотлардир», дейдилар.

Саъдий раҳматуллоҳи алайҳ «Бўстон» китобида қуйидаги шеърни келтирадилар:

تسا شك هناد هك يروم رازاي م

تسا شوخ نيرش ناج و دراد ناج هك

Озор берма чумолига ҳеч қачон,

Уям – жон, ҳаммага азиз ширин жон.

هلم نيتي ب نم تق رُس ال ابة ح ل ا ي ر ا ام

هلع ريغ نم يكتشي ا ر د ص م ل ا ط ل ل ن ا

Билгум, бир бошоқнинг таъсири,

Ўғирланган чумолининг инидан.

Золимнинг ҳам бор виждону дили,

Оғрийди бедард, чиқар қинидан.

Аҳмад Шавқий

Арабларда «Шоирлар амири» номини олган Аҳмад Шавқий чумолига озор беришни зулм деб баҳолаб, албатта, унинг учун жазо тайин эканини алоҳида таъкидлайди. Қалбида кечган бу мулоҳазаларни сеҳрлаб қўювчи шеърий сатр тарзида қоғозга қоралади.

Мазкур масалага фикҳий нуқтаи назардан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун машхур фақиҳ Ибн Нужайм раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Ал-Баҳр ар-Роиқ» китобининг «Хало одоблари боби»да қуйидаги иборани келтиради: «...сичқон, илон, ЧУМОЛИ ини ва тешикка бавл қилиш макруҳ бўлади».

Машхур фақиҳ Бурҳонуддин Моза раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Ал-Муҳит ал-Бурҳоний» китоби 23-фаслида қуйидагиларни келтиради:

«Чумоли ҳақида машойихларимиз гапирганлар. Содруш Шаҳид айтишича, ихтиёр қилинган фатво шуки, агар (чумоли) озорни ўзи бошласа, ўлдиришнинг зарари йўқ. Ўзи бошламаса, ўлдириш макруҳ бўлади. Ривоят қилинган ҳадис бунга асосдир. Бир чумоли пайғамбарлардан бирини тишлаб олди. Шунда у чумоли уйини ёндирди. Аллоҳ таоло ваҳий қилди: «Ўша битта чумоли деб ўлдирасизми?»

(Ҳадис) чумолини ўлдириш озор берганда жоизлигига, озор бермаганида эса жоиз эмаслигига далил бўлади.

Машойихлар чумолини сувга ташлаш жоиз эмаслигига иттифоқ қилдилар».

Иборага ҳар томонлама муносиб танланган бу митти қаҳрамонимиз ҳақида икки оғиз сўз юритмасак, инсофдан бўлмас.

Исми: чумоли. Илмий тилда (лотинчада) «Formicidae» дейилади. Куняси: Абу Машғул – меҳнатсевар. Асосий касби: муҳандислик. Олимларнинг таъкидлашича, чумоли муҳандисликда одамлардан моҳир экан. У ўз масканини ердан 10 метр чуқурликкача етказиши мумкин.

Қуръони Каримда чумолининг уч бор зикри келган. Ҳатто унинг шарафига ўша оятлар учрайдиган сура «Намл» – чумоли деб ном олди. Араб тилида чумоли «намла» дейилади. Бу сўз «серҳаракат» маъносини англатади. «Ҳар бир нарсанинг ўз исмидан насибаси бўлади», деган қоидага кўра, исми жисмига монанд қўйилган.

Чумоли ризқ талабида энг кўп ҳаракат қилувчи ҳашорат ҳисобланади. Унинг одати – қишнинг ғамини ёзда ейди. Ҳатто инсонларнинг бу миттивойдан ўрганадиган нарсалари кўп.

Унинг олтита оёғи бор. Танасининг 80% и шишадан ташкил топган.

Чумолилар жамоа бўлиб яшайдилар. Улар бир-бирларини жуда яхши тушунадилар, топганини биргаликда баҳам кўрадилар. Жамоода миллионгача чумоли бўлиши мумкин.

Чумолилар оиласи тўртликдан ташкил топади: битта малика (она), эркак, ишчи, қўриқчи чумолилар. Ҳар бирининг ўзи хос бажарадиган вазифалари бор. Она чумоли жуссаси каттароқ бўлиб, инидан чиқмайди. У тухум қўйиб, насл қолдириш вазифасини бажаради. Она чумолини ишчи чумолилар боқади. Қўриқчи чумолилар уяни хавфдан ҳимоя қилади. Озиқ йиғиш, тозалик ва бошқа вазифалар ишчи чумолилар зиммасида. Уйга кирмоқчи бўлган ишчи чумолилар мўйловларини қўриқчи чумолилар бошига теккизади. Ундан кейин ичкарига киришга рухсат берилади. Эркак чумолилар уруғлантириш – кўпайиш даврида яшайди, холос.

Бу миттивойлар ҳайратга соладиган даражада энг тартибли, интизомли ҳаёт кечирадиган ҳашорат ҳисобланади. Узунлиги иккидан йигирма беш миллиметргача бўлади. Ўзидан йигирма баробар оғир нарсани кўтара олади. Тасаввур қилишимиз учун 50 килограмм вазли инсон 1 тоннали машинани осонлик билан кўтарганга ўхшайди.

Ғарб олимлари бир неча йил тажрибалар ўтказиб, чумолиларнинг ўзига хос тилда гаплаша олиш қобилиятини кашф қилишди. Бу кашфиётни оламшумул иш сифатида бутун дунёга бонг уриб жар солдилар. Ваҳоланки, бу кашфиёт ҳам бошқалари қатори Қуръони Каримда 14 аср олдин айтиб бўлинганди.

Чумоли табиатни тартибга солишда ёрдам берувчи энг муҳим ҳашоратлардан биридир. Чунки унинг ер остида кавлаган йўллари ўсимликлар илдизи ривожланиши ва энг яхши кўринишда нафас олишига сабаб бўлади.

Тўплаган донлари ўсиб кетмаслиги учун бир неча бўлакка бўлиб қўядилар. Яна ғамлаган донларида пўпанак босиш хавфи туғилса, уларни кечаси ой шуъласида ер бетига олиб чиқиб, ёйиб қуритадилар.

Чумолилар дунёнинг совуқ минтақаларидан ташқари барча жойларида яшайди.

Яна бир қизиқ маълумот – чумолилар умуман ухламайди.

Манбалар асосида Равшанбек ЎРИНБОЕВ тайёрлади.